



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ

**Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига  
мўлжалланган таянч ўқув режа ва такомиллаштирилган ўқув  
дастурларини тасдиқлаш ҳамда амалиётга жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон ва “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон фармонлари, “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълимтарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон ва “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори ижросини таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини, ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юкламасини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда 2019-2020 ўқув йили учун ишлаб чиқилган умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурларини амалиётга жорий этишини ташкил этиш мақсадида **буюраман**:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа (бундан буён матнда таянч ўқув режа деб юритилади) 1-иловага ва таянч ўқув режага тушунтириш хати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2019-2020 ўқув йилида дарслклари янгидан ёки қайта нашр этиладиган I, III, VIII, IX-синфлар тегишли (**VII-синф Чет тиллари, айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун VI-синф Физика, VII-VIII-синф Алгебра**) фанларининг давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари Республика таълим маркази қошидаги Илмий-методик кенгашларда маъқулланиб, босқичмабосқич амалиётга жорий этиш учун тавсия этилганлиги инобатга олиниб,

3-иловага мувофиқ тасдиқлансан ин ва 2019-2020 ўкув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилсин.

3. 2019-2020 ўкув йилидан эътиборан умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI синфлари учун **4-иловада** рўйхати келтирилган ўкув дастурлари (бундан буён матнда ўкув дастурлари деб юритилади)дан фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

4. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Э.Муродов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари Республика таълим маркази (А.В.Умаров) билан биргаликда 2019-2020 ўкув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнининг **1-илова** билан тасдиқланган таянч ўкув режа, 2-илова билан тасдиқланган тушунтириш хати ва **4-иловада** кўрсатилган ўкув дастурлари асосида ташкил этилишини назорат қилсин.

5. Ўкув жараёнини методик жиҳатдан таъминлашни ривожлантириш бошқармаси (А.Абиджанов), Таълим сифати мониторинги бошқармаси (Т.Турсунов), Республика таълим маркази (А.В.Умаров), А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (Н.Рахманқулова), Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (Ш.Қаюмов)га:

халқ таълими тизими педагоглари учун таянч ўкув режа, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан ўкув семинарлар, вебинарлар ўtkазиш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўкув режа ва дастурлари модулига умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларининг мазмун-моҳиятини сингдириш;

халқ таълими худудий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда таянч ўкув режа, давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларининг ижроси билан боғлиқ хужжатларнинг мазмун-моҳиятини август кенгашларида ва бевосита педагогик жамоаларда кенг тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

дарслик муаллифлари, нашриёт ходимлари ва фан методистлари билан ҳамкорликда 2019-2020 ўкув йили учун умумтаълим мактабларининг I, III, VIII, IX-синфлар (**VII-синф Чет тиллари, айrim фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун VII-синф Физика, VII-VIII-синф Алгебра**) учун дарсликлар ҳамда ўкув қўлланмаларини компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари асосида нашрга тайёрлаш ва чоп этилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

6. Республика таълим маркази (А.В.Умаров)га:

2019 йил 1 июлга қадар ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари талаблари ва таянч ўкув режага мувофиқ айrim фанларни чуқурлаштириб ўқитиш бўйича

вариатив ўқув режалар, ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Халқ таълими вазирлигига киритиш;

таянч ўқув режа асосида 2019-2020 ўқув йилида ўқув дастурлар ва дарсликлардаги ўзгаришлар бўйича фанлар йўналишида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказилишини таъминлаш;

2019 йил 1 августга қадар Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Рахмонкулов), Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (Ш.Каюмов), Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўйбаси (А.А.Умаров) билан ҳамкорликда методик тавсияларни вазирликнинг ахборот таълим портали ва веб-сайтига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

2019-2020 ўқув йили давомида умумий ўрта таълим мактабларида таянч ўқув режа ва унинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

2019 йил 25 августга қадар умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир таълим муассасаларига етказиш, педагогик кенгаш йиғилишларида ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори билан тасдиқланган давлат таълим стандартларининг 4-боб, 11-бандига асосан айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

таълим муассасаларидаги фаолият олиб бораётган педагог кадрларга умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга жорий этишда узлуксиз, мақсадли ва манзилли амалий-методик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, умумий ўрта таълим муассасаларидаги таянч ўқув режани бажариш, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга жорий қилиш, унинг мониторингини олиб бориш, натижаларини таҳлил этиб бориш ишларига ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

9. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўйбаси (А.А.Умаров) таянч ўқув режа ва унинг тушунтириш хати, умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларини, уларнинг амалиётга жорий этилиши ва илфор иш тажрибаларини “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари, вазирликнинг расмий веб-сайтлари, маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини ташкил этсин.

10. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирининг 2018 йил 27 июлдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун

2018-2019 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида”ги 191-сонли буйруғи 2019 йил 6 августдан ўз кучини йўқотиши белгилаб қўйилсин.

11. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ю.Умаров, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев ва С.Бабаходжаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**Ш.Шерматов**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 августъ,  
256- сон

**Киритилди:**

Ўқув жараёнини методик жиҳатдан таъминлашни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

А.Абиджанов

Республика таълим маркази директори

А.В.Умаров

Вазир ўринбосари

А.Ю.Умаров

Вазир ўринбосари

Д.Кенжаев

Вазир ўринбосари

С.Бабаходжаев

Юридик бўлим бошлиғи

Х.Асроров

Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Э.Муродов

Таълим сифати бошқармаси бошлиғи

Т.Турсунов

Молиявий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи

И.Сираджев

Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқармаси бошлиғи

С.Қодиров

Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи

А.Шодмонов

А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори

Н.Рахмонқулова

**Келишилди:**

Вазирнинг биринчи ўринбосари

А.Ю.Умаров

Вазир ўринбосари

Д.Кенжаев

Вазир ўринбосари

С.Бабаходжаев

Юридик бўлим бошлиғи

Х.Асроров

Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Э.Муродов

Таълим сифати мониторинги бошқармаси бошлиғи

Т.Турсунов

Молиявий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи

И.Сираджев

Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқармаси бошлиғи

С.Қодиров

Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи

А.Шодмонов

А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори

Н.Рахмонқулова

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2019 йил 6 августдаги  
256 -сонли бўйруғига  
1-илова

**Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган  
ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖА**

Т/р	Фан йўналишлари блок-модуллари ва ўқув предметлари номи	Синфлар ва ҳафталик ўқув соатлари											Ҳафта- лик уму- мий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
<b>I.</b>	<b>Филология фанлари</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>10</b>	<b>9</b>	<b>9</b>	<b>9</b>	<b>9</b>	<b>124</b>
1.1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	8	6	4	3	3	3	3	<b>68</b>
1.2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	3	3	3	3	3	2	2	<b>27</b>
1.3.	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	3	3	<b>29</b>
<b>II.</b>	<b>Ижтимоий фанлар</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>3</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>4,5</b>	<b>4,5</b>	<b>33</b>
2.1.	Тарих					2	2	3	3	3	2	2	<b>17</b>
2.2.	Дунё динлари тарихи										1	1	<b>2</b>
2.3.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	1	1	<b>4</b>
2.4.	Одбонома	1	1	1	1								<b>4</b>
	Ватан туйғуси					1	1						<b>2</b>
	Миллий истиқбол ғояси ва маънавият асослари							1	1	1	0,5	0,5	<b>4</b>
<b>III.</b>	<b>Аниқ фанлар</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>63</b>
3.1.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	4	4	<b>54</b>
3.2.	Информатика ва ахборот технологиялари					1	1	1	1	2	2	2	<b>9</b>
<b>IV.</b>	<b>Табиий ва иқтисодий фанлар</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>8</b>	<b>7</b>	<b>9</b>	<b>53</b>
4.1.	Физика ва астрономия						2	2	2	2	2	3	<b>13</b>
4.2.	Кимё							2	2	2	2	2	<b>10</b>
4.3.	Биология					1	2	2	2	2	2	2	<b>13</b>
4.4.	Табииёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	1	1	1	<b>14</b>
4.5.	Иқтисодий билим асослари								1	1			<b>2</b>
4.6.	Тадбиркорлик асослари											1	<b>1</b>
<b>V.</b>	<b>Амалий фанлар</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>3</b>	<b>2,5</b>	<b>51,5</b>
5.1.	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1					<b>7</b>
5.2.	Тасвирий санъат ва чизмачилик	1	1	1	1	1	1	1	1	1			<b>9</b>
5.3.	Технология	1	1	1	1	2	2	2	1	1			<b>12</b>
5.4.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	1,5	1	<b>20,5</b>
5.5.	Чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлик										1,5	1,5	<b>3</b>
<b>VI.</b>	<b>Касбий таълим</b>										<b>6</b>	<b>6</b>	<b>12</b>
<b>VII.</b>	<b>Танлов фанлар</b>	<b>0,5</b>							<b>0,5</b>	<b>1</b>	<b>0,5</b>		<b>2,5</b>
	<b>Умумий соатлар</b>	<b>22,5</b>	<b>24</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>31</b>	<b>33</b>	<b>34</b>	<b>34,5</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>339</b>

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2019 йил 6 августдаги  
256 -сонли бўйруғига  
2-илова

**Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига  
мўлжалланган таянч ўқув режага  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

**1.** Мазкур таянч ўқув режа ва унинг тушунтириш хати қўйидаги ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлиарни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 18 августдаги 65ққ/43-сон қўшма қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан **20... йил 00 марта** тасдиқланган Санитария қоидалари ва меъёrlари (СанҚвам).

**2.** Умумий ўрта таълим муассасаларининг таянч ўқув режаси йўналиши ва хусусиятларига кўра қўйидаги 7 та блок-модуллардан ташкил топган:

филология фанлари;

ижтимоий фанлар;

аниқ фанлар;

табиий ва иқтисодий фанлар:  
амалий фанлар;  
касбий таълим;  
танлов фанлари.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим мактабларининг бошлангич синфларида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2018 йил 9 февралдаги 11-сон мажлис баёнига асосан бошлангич (I-IV) синфларда ўкув ҳафтасининг давомийлиги 5 кун этиб белгиланди.

**4.** Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани II синфдан бошлаб ҳафтасига 2 соат, V синфдан бошлаб берилган 3 соатнинг 2 соатида рус тили ўқитилади, 1 соати она тили ва адабиёти фанига ажратилган соат ҳажмига қўшиб берилади;

таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани II синфдан бошлаб ҳафтасига 2 соат, V синфдан бошлаб 3 соат ҳажмда ўқитилади.

**5.** Таълим қардош (қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман) тилларда олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб II-XI синфларда она тили ва адабиёт фанидан 1 соат олиниб II синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

Ушбу фаннинг ўқитилиши Республика таълим марказининг тавсиялари асосида, тегишли ўкув дастурлари ва улар асосида ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган тақвим-мавзу режаларга мувофиқ ташкил этилади.

**6.** Жаҳон тарихи фани VII-XI синфларда ҳафтасига 1 соатдан;

Ўзбекистон тарихи фани VII-IX синфларда ҳафтасига 2 соатдан, X-XI синфларда ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” 2001 йил 4 январдаги Ф-1322-сон фармойиши асосида I-IV синфларда “Конституция алифбоси” курси Ўқиши, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, Одобнома ўкув предметлари ва “Тарбиявий соат”лар таркибига;

V-VI синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси Ватан туйғуси, VII синфда Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари ўкув предметлари таркибига сингдириб ўқитилади.

Мазкур дарсларнинг мазмунида “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Инсон хуқуqlари умумжахон Декларацияси”, “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-конвенция, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-конвенция тўғрисида ўқувчиларнинг ёшига мос равишда тушунчалар бериш тавсия этилади.

**8.** Астрономия фани XI синфда ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади.

**9.** Иқтисодий билим асослари:

I-IV синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўкув материаллари Она тили, Ўқиши, Одобнома, Математика, Атрофимиздаги олам ўкув предметлари таркибига сингдирилиб;

V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курси Тарих, Математика, Физика, География, Ватан түйғуси ўқув предметлари таркибиға сингдирилиб;

VIII-IX синфларда Иқтисодий билим асослари фани ҳафтасига алоҳида 1 соатдан ўқитилади.

XI синфда Тадбиркорлик асослари ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади.

**10. X–XI синфларда** ҳафтада 1 кун 6 соат ҳажмда ўқитиладиган Касбий таълим машғулотлари Ўқув-ишилаб чиқариш мажмуаларида ўтказилади.

**11. Ўқувчиларнинг қизиқишлари** асосида таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, касбий фаолият йўналишини танлашга мақсадли тайёрлаш учун ҳафтасига I синфда 0,5 соат, VIII синфда 0,5 соат, IX синфда 1 соат ва X синфда 0,5 соат танлов фанлари учун ажратилган. Ушбу соатлар доирасида ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда юқори синфларда филология, аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий фанлар, амалий фанлар ўқув предметлари чуқурлаштириб ўқитилади.

**12. “Йўл ҳаракати қоидалари”:**

I синфда танлов фанлари учун ажратилган 0,5 соат эвазига жами 17 соат ўқитилади ва синф журналида алоҳида саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади;

II-VIII синфларда “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари тасдиқланган дастур асосида бошлангич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан Тарбиявий соатлар ҳисобидан 8 соатдан ўқитилади ва мактаб дарс жадвалига киритилиб, синф журналида Тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади.

**13. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари”** машғулотлари:

I-IV синфларда Атрофимиздаги олам, Одобнома, Жисмоний тарбия фанлари таркибида жами 17 соат ҳажмда;

V-XI синфларда Физика, Кимё, Биология, География, Ватан түйғуси, Миллий истиқтол ғояси ва маънавият асослари ўқув предметлари дастурлари таркибида жами 17 соат ҳажмда ўқитилади.

**14. Умумий ўрта таълим мактабларининг I-IV синфларида “Саломатлик дарслари”** ўқув курси Ўқиши, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, Одобнома, Жисмоний тарбия ўқув предметлари таркибиға, V-IX синфларда “Соғлом авлод асослари” ўқув курси Биология, Технология, Жисмоний тарбия ўқув предметларига интеграция қилинган ҳолда ўқитилади. Давра сұхбатларига мутахассис тиббий ходимларни таклиф этиш тавсия этилади.

**15. “Тежамкорлик сабоқлари”** ўқув-тарбиявий машғулотларини, шунингдек атроф муҳитни ҳимоя қилиш йўналишидаги машғулотларни I-XI синфларда 17 соатдан фанлар бўйича дарс мавзулари замирида тўгарак машғулотларида, тарбиявий соатларда, синфдан ташқари машғулотларда, экскурсияларда сингдириб ўтиш тавсия этилади.

**16. V-X синфларда** География ва Иқтисодий билим асослари ва XI синфда Тадбиркорлик асослари ўқув предметлари таркибида “Давлат бюджети”га доир 1 соатлик мавзуларни сингдириб ўқитиш тавсия этилади.

**17.** “Экологик тарбия ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган билимлар” I-IV синфларда “Конституция алифбоси” курси Ўқиши, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, Одобнома ҳамда Тарбиявий соатлар таркибида, V-XI синфларда Биология, Кимё, География ўқув предметлари мазмунига сингдириб ўқитилади.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартағи 140-сонли қарорига мувофиқ, малакали ўқитувчилар етарли бўлган қуйидаги ҳолларда синфдаги ўқувчиларни икки гурухга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг I-XI синфларида чет тили фани, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ихтисослаштирилган синфларида ихтисослаштирилган фанлар, V-XI синфларда информатика ва ахборот технологиялари, таълим тили ўзбек тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II-XI синфларида ўзбек тили ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II-XI синфларида рус тили, VIII-XI синфларда жисмоний тарбия, V-IX синфларда технология ўқув предметлари икки гурухга бўлиб ўқитилади.

**19.** V-XI синфларда жисмоний тарбия фани бўйича қўшимча машғулотлар спорт секциялар тарзида ўтказилади.

**20.** Таълим қорақалпок, рус, қозоқ, тожиқ, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан айрим фанлар ва курслар ўзбек (давлат) тилида ўқитилиши мумкин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

“Оила асослари” курси V-VI синфда Ватан туйғуси, VII синфда Миллий истиқтол ғояси ва маънавият асослари ўқув предметлари таркибига сингдирилиб;

“Оила этикаси ва психологияси” курси VIII-X синфларда Миллий истиқтол ғояси ва маънавият асослари ўқув предмети таркибига сингдириб ўқитилади.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартағи 140-сонли қарори ҳамда 2018 йил 9 февралдаги 11-сон мажлис баёнига мувофиқ, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги - 34 ҳафта (I синфлар учун 33 ҳафта);

ўқув ҳафтасининг давомийлиги - I-IV синфларда 5 кун, V-XI синфларда 6 кун;

дарс машғулотининг давомийлиги - 45 дақиқа;

дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги - 5-10 дақиқа (ўқув куни ўртасидаги танаффуснинг давомийлиги - 15-30 дақиқа).

Тегишли қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуидагича белгиланади:

кузги таътил - 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь куни;

қишики таътил - 28 декабрдан бошлаб 14 календарь куни;

баҳорги таътил - 21 марта бошлаб 7 календарь куни;

ёзги таътил - охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 2 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

I синф ўқувчилари учун февраль ойи давомида кўшимча бир ҳафталик таътил берилади.

**23.** Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

**24.** Педагог кадрлар салоҳияти ҳамда моддий-техника базаси етарли бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг рухсати билан умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик кенгашларига дарс жадвалини тузишда таянч ўқув режадаги умумий соатлар ҳажмидан ошмаган ҳолда, маълум бир фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида 15% гача ўзгартириш киритиш хукуқи берилади.

Фанларни чуқур ўрганиш бўйича муаллифлик ўқув дастурларидан амалиётда фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази томонидан тасдиқланган тақдирда рухсат этилади.

**25.** Барча турдаги давлат умумий ўрта таълим муассасаларида дарслар ва машғулотлар мазкур ўқув режа асосида давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2019 йил 6 августдаги  
256 -сонли бўйруғига  
3-илова

**Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари  
асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва  
амалиётга жорий этиш бўйича мувофиқлаштирувчи  
республика ишчи гурухи таркиби**

**Ўқув дастури бўлиши керак**

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2019 йил 6 августдаги  
256 -сонли бўйруғига  
5-илова

**2019-2020 ўқув йилида фойдаланиладиган ўқув дастурлари  
рўйхати**

Т/р	Синфлар	Фойдаланиладиган ўқув дастурларнинг асословчи хужжатлари
1	1*-, 2*-, 4-, 6-, 7-синфлар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарорида белгиланган малака талаблари асосида тузилган, Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июндаги 190-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурларидан фойдаланилади.
2	10-синф	Халқ таълими вазири ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 18 август 43/65-ҚҚ-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ўқув дастурларидан фойдаланилади.
3	1**-, 2**-, 11-синфлар	Халқ таълими вазирининг 2018 йил 28 августдаги 216-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурларидан фойдаланилади.

4	6-, 7-, 8-, 9-синфлар ( <i>МИF туркумига кирувчи фанлар</i> ) 8-9-синфлар ( <i>Информатика ва ахборот технологиялари, чет тили</i> ) 5-синфлар	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги 62/2/4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлис қарори билан тасдиқланган оптималлаштирилган ўқув дастурларидан фойдаланилади.
5	1-, 3-, 8-, 9- синфлар (7- синф Чет тиллари, айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун б-синф Физика, 7-8-синф Алгебра)	Ушбу буйруқ билан тасдиқланган ўқув дастурларидан фойдаланилади.

*Изоҳ:* \* она тили, ўзбек, тили, рус тили, чет тили, атрофимиздаги олам, мусиқа маданияти, тасвирий санъат, технология, жисмоний тарбия фанларига тегишили.

\*\* математика, фанига тегишили.

Вазир

Ш.Шерматов

Тошкент ш.,  
2019 йил “6” август  
256-сон

